



ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Зуфаров Зоир Махмудович

Ўзбекистон давлат санъат ва мадинят институти, "Ахборот
технологиялари" кафедраси доценти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7256005>

ARTICLE INFO

Received: 06th October 2022
Accepted: 16th October 2022
Online: 26th October 2022

KEY WORDS

Замонавий ахборот
технологиялари, мустақил
таълим

ABSTRACT

Таълим соҳасида педагогик ва ахборот –
коммуникация технологиялардан, интернет
ахборот таълим ресурсларидан ҳамда конференция
усулидан фойдаланиш ўқувчиларининг олаётган
билимларни юқори савияда бўлишида самарали
ёрддам беради ва уларнинг келгусида малакали
мутахассислар бўлиб чиқишига имконият яратади.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ўқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқиш учун кенг имконият яратилди. Шу билан бирга, ахборот коммуникация технологияларини чуқур ўргатиш, ўқувчиларни катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва мустақил ишлаш муаммоси юзага келмоқда. Бугунги кунда фақатгина маърузага асосланган анъанавий дарслар вақти ўтди. Ахборот оқими суръати тезлашган бир пайтда ўтилатган ҳар бир дарс ранг-баранг бўлмаса, ўқувчи еътиборини билимга жалб етиш мушкул. Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ижодкор бўлмоғи даркор. Бундай ҳолда, айниқса дарсни ўйинлар асосида кўриш тизимига асосланиб ўтиш сезиларли самара беради. Ўйинлар еса ўқувчи психологиясидан келиб чиқиб, танлангани маъқул. Биринчи бўлишга ундаш услуби доимо ўзини оқлайди. Чунки болалар ҳамиша ўзини

кўрсатгиси, тенгдошларидан бир қадам олдинда юргиси келади. Дарсларда ҳам янги маълумотларни етказишдан аввал ўқитувчи уларнинг дастлаб олган билимларини, тасаввурларини аниқлаштиради, бир тизимга солади, олинган билимлар ҳар хил кўргазмали воситалар, слайдлар, мултимедия, тарқатма материаллар, қўшимча адабиётлар билан мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлади. Дарсда олиб бориладиган таълимтарбия ишларининг асосий элементларидан бири, ўқувчиларнинг ўзаро фаоллик асосида мустақил, эркин фикрлаш ўқув ва амалий топшириқларини бажаришлари, ҳаётда албатта йетукликка йетаклайди. Дарсларда фойдаланиладиган ҳар қандай интерфаол усуллар таълим характериға ега бўлиб, ўқувчилар билимининг мустаҳкамланишиға, аниқлаштирилиши ва кенгайишиға, уларни умумлаштиришға ва тизимға солишға ёрддам беради. МЕТОДОЛОГИЯ



Таълим сифатини оширишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап кетганда, таълим бериш жараёнини езгулик кўпригига ўхшатамиз, бу кўприкдан ўқувчиларимизни билимли, дунёқараши кенг қилиб олиб ўтиш устозни, яъни ўқитувчиларни вазифаси деб биламиз. Дарсларнинг назарий ва амалий қисмида ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш учун педагогик технологиянинг самарали усулларида фойдаланиб, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилади. Машғулотларни олиб бориш жараёнини кузатиб бориш ва керакли маслаҳатлар бериш кичик гуруҳларда дарсларни самарали ўтилишига ёрдам беради. Ўз касбини устаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг йетук мутахассислари билан учрашувлар ташкил етиш, улар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб, саволларга ҳаётий мисоллар келтириш билан жавоб берилади. Бунинг учун фақат ўқиш, ўрганиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради. Бундай малакали мутахассислар билан учрашувлар, бахсмунозаралар ташкил етиш ҳам ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини орттиради. Ота-оналарда фарзандини юксак маънавиятли, билимли, комил инсон етиб вояга йеткизиш истагини янада кучайтириш зарур. МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ўқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқиш учун кенг имконият яратилди. Шу билан бирга, ахборот коммуникация технологияларини чуқур ўргатиш, ўқувчиларни катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва мустақил ишлаш муаммоси юзага келмоқда. Мактабдан касб-хунар

коллежига ўқишга келган кўп ўқувчилар мустақил фикрлаш ва ишлаш бўйича йетарлича кўникмага ега емас. Айримлари билим олишга қизиқишлари жуда паст. Қобилиятли, изланувчан ҳамда ижодкорликка иштиёқи бор фарзандларимизни ўзи қизиққан ахборот коммуникация технологиялари йўналишида чуқурлаштирилган сабоқ олиши, уларни келажакда албатта юксак малакали мутахассислар бўлиб йетишишларида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Маълумки, Республикаимизнинг барча таълим муассасалари ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини қўллаш, таълим тизимида ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш, улар ёрдамида таълим тизимини талаб даражасига етказиш устида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг қуйдаги имкониятларини келтириш мумкин: о Ўқитувчига ўқув материалларини таълим олувчиларга етказиб беришда бирмунча енгиллаштирилиши; о Дарс жараёнида берилаётган ўқув материалларнинг такрорий ҳолда намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги; о Таълим олувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига эришиш; о Мультимедиа элекрон дарсликлар таркибида кўргазмали виртуал стендлар ташкил қилиш имконияти; Амалий ва лаборатория машғулотларини видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил қилиш имконияти; Тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни



тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гуруҳларда фойдаланиш

имкониятининг мавжудлиги;

о Ўқув материаллари маълумотлар базасини тезкор равишда ўзгартириб, янги ахборот захираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;

о Амалий ва лаборатория машғулотлари мобайнида маъруза материалларига ўтиш имкониятининг яратилиши;

о Масофадан ўқитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;

о Таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Бундай имкониятларга эга бўлган ўқув материалларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш, бир вақтнинг ўзида таълим олувчиларга ўқув материалларини кўриш, ўқиш, эшитиш, мулоҳаза қилиш ва қайта-қайта такрорлаб ўз билимларини ошириш имкониятларини яратади. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўлланилиши, айниқса мультимедиали воситалардан фойдаланиш ўқув жараёнининг дидактик кўринишда тасвирлаш учун жуда катта имкониятлар яратади. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация

технологияларидан самарали фойдаланишда электрон дарсликларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация

технологияларига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади.

Таълим тизимида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилса таълим-тарбия жараёни жадаллаштирилади. Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин:

о мақсадга йўналтирилганлик;

о ўқувчиларнинг мотивациясини кучайтириш;

о таълим мазмунининг ахборотли ҳажмини кенгайтириш;

о ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;

о ўқувчиларнинг ўқув-амалий даражасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқувуслубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унимдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат. Мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб



боради. Автоматлаштирилган ўқув-услугий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услугий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин. Ўқув жараёнида масофали ўқитиш тизимини ташкил қилишнинг асосий талабларидан бири ўқув материалларини ўқувчиларга тақдим этиш воситалари ҳисобланади. Бунда масофали ўқитиш тизимининг асосини ташкил этувчи ўқув материалларининг электрон версияларини яратишга бир қатор талаблар қўйилади. Ўқув материалларини электрон кўринишда тақдим этганда унинг ўқувчилар томонидан тушуниш даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Электрон шаклда тақдим этилаётган материаллар таълим олувчилар учун қулай ва яхши ўзлаштира оладиган бўлиши керак. Тавсия этилаётган ўқув материалларида керакли таърифлар, таянч иборалар, калит сўзларга мурожаат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак. Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стендлар кўринишида имитация қилиш орқали ташкил қилиш масофали ўқитиш тизимида қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- о виртуал стендлар учун махсус жиҳозланган хоналар талаб қилинмаслиги;

- о лаборатория ишларини анимациялар билан таъминланиш ва объектлар устида олиб борилаётган жараёнларни тўғридан-тўғри намоиш қилиш;
- о яратилган виртуал стендлардан кўп маротаба фойдаланиш.

Фанлардан амалий ва лаборатория ишларини виртуал стенд тарзида ташкил қилиш масофали ўқитиш тизимида жуда катта аҳамиятга эга. Масофали ўқитиш тизимини ташкил қилиш натижасида кўргазмали ўқув материалларидан узоқ минтақалардаги таълим муассасаларида ўқув жараёни учун керакли ўқув жиҳозлари етарли бўлмаган ҳолда ҳам таълим олувчилар амалий ва лаборатория ишларини бажариш имконияти яратилади. Электрон ўқув материалларини яратиш, улардан қулай ва самарали фойдаланиш учун электрон ўқув материаллари pdf форматига ўтказилади. Бу форматда тайёрланган материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- о маълумотлар хотирадан кам жой эгаллайди;
- о маълумотлар ҳимояланган бўлади (ўзгартиришлар, вируслар таъсиридан ҳоли қилиш ва бошқалар);
- о маълумотларни қидириш ва чоп этишни тезлаштириш;
- о маълумотларни ифодаловчи юқори сифатли шрифтларнинг мавжудлиги;
- о ихчам тасвирли маълумотларни яратиш;
- о маълумотларнинг зарур саҳифаларига тез ўтишни таъминлаш ва бошқалар. Бу каби кўрсаткичлар масофали ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган ўқув материалларининг асосий талабларини ташкил қилади.



ХУЛОСА Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

о ўқув жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш;

о таълим олишнинг янги шакллари жорий қилиш;

о дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имконияти;

о олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.

о ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;

о машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;

о компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;

о ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намоёниш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

References:

1. Бегимқулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш // “Педагогик таълим” жур, №1, 2004
2. Тайлақов Н.И. Таълим тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболлари // Таълим ва тарбия -Т 2002.